

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ТЕЗИСЛАР**  
**(2-ҳафта учун)**

<b>1-мавзу</b>	<b>Кафолатланган сифатли таълимнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари кучайтирилмоқда</b>
<b>Конституцияга киритилаётган ўзгариш</b>	<p><b>50-модда.</b>  ...  (олтинчи қисм)  <b>Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.</b></p>
<b>Тезислар</b>	<p>Фуқароларни, айниқса, соғлиғида муаммоси бўлган болаларни таълим ва тарбия олиши учун боғча, мактаб, олий таълим ташкилотларида маҳсус шароитларни яратиш ижтимоий давлатнинг вазифаларидан биридир.</p> <p>Бугунги кунда жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган <b>21 231 нафар</b> болалар учун республикамизда <b>90</b> та ихтисослаштирилган мактаблар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, енгил даражадаги ногиронлиги бўлган <b>18 000</b> нафарга яқин ўқувчилар мактабларда соғлом болалар билан биргаликда ўқишишмоқда.</p> <p>Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилиши лозим. Бу шундай нуқсонлари бор болаларимизнинг яккаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун жуда муҳимдир.</p> <p>Соғлиғида нуқсони бўлган болаларни фақатгина ихтисослашган мактабларда эмас, ҳамма қатори умумий мактабларда ҳам ўқишининг йўлга қўйилиши инсон қадри тамойилининг амалий ифодасидир.</p> <p>Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун таълим ва тарбия уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши лозим. Мисол учун, уларга сурдо таржимонлар, кўзи ожизлар учун Брайл алифбосидаги дарсликлар, зарур бўлган техник мосламалар, маҳсус билим ва малакага эга ўқитувчи-педагоглар жалб этилиши керак.</p> <p>Шунингдек таълим олиш жараёнида уларни бирор-бир шаклда камситишга йўл қўйилмаслиги, уларнинг соғлом болалар қаторидан ўрин олиб ўз қобилиятларини кўрсата олиш имкониятини яратиб бериш лозим. Пировардида, алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болаларнинг сифатли таълимга бўлган ҳуқуқи таъминлаш талаб этилади.</p>

Аҳолимиз сони йилдан йилга ортиб бораётган бир пайтда, афсуски, ногиронлиги бўлган болаларимиз ҳам сони ортиб бормоқда. Ногиронлиги бўлган болалар ҳам соғлом болалар каби умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқига эга. Уларга шароитлар яратилиши керак, жумладан Брайл ёзувидаги дарсликлар, сурдо таржимон ўқитувчилар бўлиши шарт. Агар бундай шароитлар яратилмаса болани ҳуқуқини камситилишига олиб келади.

Мамлакатимизда бундай болалар учун тегишли шарт шароитлар яратилиши ва енгил даражадаги ногиронлиги бор болалар соғлом болалар билан биргаликда ўқиши таъминланиши лозим.

Бу масалани Асосий қонунимизда кафолатлаб қўйишимиз лозим. Негаки ногиронлиги бўлган бола ҳам – юртимиз фарзанди.

2-мавзу	Ўқитувчининг шаъни ва қадр-қимматининг ҳимояси
Конституцияга киритилаётган ўзгариш	<p><b>52-модда.</b></p> <p>Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.</p> <p>Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қиласиди.</p>
Тезислар	<p>Устозлар қадри юксалган юрт, албатта, барқарор ривожланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, муаллим ва устозларнинг қадри, шаъни ва ғурурини тиклаш, уларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш, самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратилмоқда. Хусусан, уларга бир қатор имтиёзлар берилганлиги шулар жумласидандир.</p> <p>Жамиятда ўқитувчиларни нуфузи ва обрўсини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди ҳамда <b>306 минг</b> нафар педагог-ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминланди.</p> <p>Жамиятни инсон, инсонни эса таълим ва тарбия ўзгартиради. Миллат ва халқнинг ривожи, унинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, авваламбор, ўқитувчилар фаолиятига боғлиқ. Зоро, ўқитувчи аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган илм-фан сирасорлари, маънавий ва маданий меросни ёшларга етказишида муҳим бўғин ҳисобланади.</p> <p>Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик зарур. Ота-она фарзандига қанчалик тарбия бермасин, билим олишга ундумасин, лекин улар ўз тақдир йўлини танлашида энг асосий, керак бўлса ҳал қилувчи ролни ўйнайдиган инсон, бу – албатта, муҳтарам устоз ва муаллимларимиздир.</p> <p>Биринчи синфдан бошлаб қўлимизга қалам ушлатган, ҳарф танитган, билим остоналарига етаклаб, бизни камол топишга кўмак берган муаллимларимиз, ҳамиша жамият ардоғида, давлат ҳимоясида бўлади.</p> <p>Афсуски амалда ҳали-ҳануз ўқитувчиларимизнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш ҳолатлари учраб турибди. Жумладан,</p>

үқувчиларни таълимга ва тарбияга чақирган ўқитувчиларни отоналар томонидан таҳқирлаш ҳолатлари кузатиляпти. Ахир ўқитувчи нафақат таълим беради, у шу билан бирга болага тарбия ҳам беради. Уни ўқишга үндайди. Ўқитувчи болага таълим ва тарбия беришга үмрини сарфлайди.

Ўқитувчиларнинг ижтимоий ва моддий шароитлари амалда етарли, деб бўлмайди.

Келажакда болаларимиз етарли билим ва тарбия олишлари учун ўқитувчиларимизга тегишли шарт-шароитлар яратишимиз лозим. Уларнинг шаъни ва қадр-қимматини Конституция билан ҳимоялашни йўлга қўйишимиз лозим.

Ҳар биримизнинг хат-саводимизни чиқарган устозларнинг қадрини баланд қилмоқчи бўлсак, албатта янги таҳрирдаги Конституцияга овоз беришимиз керак.

З-мавзу	Кафолатланган сифатли таълимнинг конституциявий ҳуқуқий асослари кучайтирилмоқда
Конституцияга киритилаётган ўзгариш	<p><b>51-модда.</b>  <b>(биринчи қисм)</b>  <b>Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли.</b>  ... </p>
Тезислар	<p>Ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топишида олий маълумотга эга бўлишлари муҳим ўрин тутади. Олий маълумотга эга мутахассислар сонининг ортиши жамият ва давлат учун ҳам фойдалидир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларимизни олий маълумотли бўлиши учун жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Республика бўйича олий таълим муассасалари сони жами 210 тага етди. Натижада олий таълим билан қамров 2016 йилдаги 8 фоиздан бугунги кунга келиб 38 фоиз га етди.</p> <p>Лекин, шуни ҳам тан олиб айтиш керакки, бугунги кунда ҳамма оиласлар ҳам фарзандларини контракт асосида университетларда ўқитиш имкониятга эга эмас. Моддий имконияти етарли эмаслиги туфайли ўқишига киролмаслиги ҳар қандай иқтидорли йигит ва қизнинг кўнглини чўктиради. Шундай вазиятда давлат томонидан билимли ва иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутади.</p> <p>Янги таҳрирдаги Конституциямизга киритилаётган ушбу қоида ҳар бир ёшга энг муҳим ҳуқуқ – давлат ҳисобидан олий маълумотли бўлиш ҳуқуқини тақдим этади. Бу янгилик давлаттага қарашли институтларда ҳар йили тўғридан-тўғри давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган ўринлар ажратилишини ва уларни ҳар қандай абитуриент тест натижалари бўйича танлов асосида эгаллаши мумкинлигини англаади.</p> <p>Бир сўз билан айтганда, ёшларимизга берилаётган бундай имконият уларни ҳаётда ўз ўрнини топишига ҳамда давлат ва жамиятга фойдаси тегадиган инсон бўлиб етишишига хизмат қиласди.</p>